

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2025 йил
24 январь,
жума
№ 4 (1038)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 январь кун ипотeka дастури доирасида 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўтган йили юртимизда жами 40 миллион квадрат метрдан зиёд бино-иншоотлар қурилган. Жумладан, 100 мингдан зиёд хонадонга эга 2 минг 44 та кўп қаватли уйлар бунёд этилган.

Бу фақат ижтимоий ёки қурилиш масаласи эмас, балки ҳудудлар иқтисодиётида яна бир драйвер бўлмоқда. Хусусан, мазкур уйларни барпо этишда ва ёндош тармоқларда 350 минг одам иш билан таъминланган. Мебель, электротехника, тўқимачилик, қурилиш материаллари соҳаларида қўшимча 11 триллион сўмлик бозор пайдо бўлган. Иқтисодиётда 73 триллион сўм маблағ айланиб, бюджетга 14 триллион сўм тушган.

Соҳани рағбатлантириш учун 2024 йилда 59 минг одамга 17 триллион сўм ипотека кредити ажратилган. Қурувчи ва девелоперларга айланма маблағ учун жами 3 триллион сўм берилган.

Имкониятлардан тўла фойдаланилса, натижалар бундан-да яхши бўларди. Лекин Қорақалпоғистон, Жиззах ва Сирдарёда айрим лойиҳалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Баъзи вилоятларда аукционда сотиб олинган ўнлаб ерларда қурилиш бошланмаган. Аҳоли ва инфратузилмадан узоқ жойда қурилгани учун 781 та хонадон сотилмаган.

Давлатимиз раҳбари, айниқса, “Янги Ўзбекистон” массивларидаги ишларнинг боришидан норозилигини билдирди.

– “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш бу – Президент сиёсати. Улар билан ҳудудлар обод бўлади, маданият, маърифат, дунёқараш ўз-

гаради, савдо ва хизматлар кўпаяди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис бу борада янги тартиб белгиланди. Энди “Янги Ўзбекистон” массивига ажратилган ер бўйича лойиҳалаш 2 ойдан ошмаслиги, 3 ой ичида қурилиш бошланиши керак. Бу талаб бузилса, ер қайта аукционга чиқарилади. Лойиҳа кўпи билан ўн беш кунда экспертизадан ўтказилади.

Бу йил ушбу массивлар инфратузилмаси учун 1,2 триллион сўм йўналтирилади.

Қурилишда “эскроу” тизими жорий қилиниши билан, девелоперларга ҳозиргидан пастроқ ставкада 1 миллиард доллар айланма маблағ жалб этиш имконияти пайдо бўлади. Муҳими, уларни молиялаштириш уй қуриш билан бирга бошланади ва давом этади. Фуқаролар эса, қурилиш бошидан ипотека ва субсидия олиш, уй битмасдан ҳам бошқа одамга сотиш имконига эга бўлади. Ишончли девелоперлар учун яна

бир имконият: иморатнинг 50 фоизи қурилганда фуқаролар кредит ва субсидия олиши мумкин бўлади. Ушбу тартиб нафақат имтиёзли, балки тижорат ипотека кредитлари учун ҳам татбиқ этилади.

Қурувчи ташкилотлар қурилиш бошлаганидан яқунлағунча, лекин кўпи билан 12 ой давомида ер солиғи тўлашдан озод қилинади. Объект муддатида топширилмаса, девелопер ер солиғини 2 қарра миқдорда тўлайди.

“Янги Ўзбекистон” массиви учун ажратилган ернинг 10 фоизи девелоперларга тижорат бинолари қуриш учун ягона лот сифатида савдога чиқарилади. Уларнинг 1-2 қаватида хусусий боғчалар очиб қўллаб-қувватланиб, мулк солиғидан ҳам озод этилади.

Умуман, 2030 йилгача 100 та “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиши режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Президентимиз томонидан 2024 йил 24 декабрда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун имзоланди. Солиқ қонунчилигида жорий йилда ҳам асосий солиқларнинг ставкалари ўзгартирилди.

Қонун моҳияти

Солиқ ва бюджет сиёсати:

2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлар тасдиқланди

Янада муҳими, янги қонун 2025 йил учун давлат бюджети ижросини таъминлаш, солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда солиқ қонунчилигини Жаҳон савдо ташкilotи талабларига мослаштириш каби муҳим мақсадлар ижобатига қаратилган.

Бу ҳақда сўз борганда, ўтган йили Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида солиқ қонунчилигига бир қатор нормалар киритилгани таъкидлаш лозим. Жумладан, 2024 йил 20 августда тадбиркорлар билан бўлиб ўтган “Очиқ мулоқот” натижасида ўша йилнинг 30 августидан “Ўзбекистон



Қобилжон ТУРСУНОВ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари

Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

23 январь кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўзини бошлади.

Унда Сенат, ҳуқуқат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари

ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг учинчи ялпи мажлисида дастлаб “Инвес-

тициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонун инвестиция фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини, хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Қонунда мамлакатимизда қулай инвестициялар муҳитини яратиш, тўғридан-тўғри

инвестицияларни фаол жалб қилиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвестор ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш назарда тутилган.

Шунингдек, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг соғлиғини сақлаш, сифатли таълим, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш салоҳиятини

ошириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳам ушбу қонуннинг мақсадларидан ҳисобланади.

Бундан ташқари, инвестициялар ва инвестиция фаолиятига оид асосий тушунчалар, принципалар ва мақсадлар белгиланмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Эҳтиром Одил судловнинг МАҚСАДИ – адолат ва инсонпарварлик

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон суд тизимидаги шиддатли ислохотлар самарадорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоз Убайдулла Мингбоев моҳир ҳуқуқшунос, тажрибали судья ва покдил, фидойи, юксак маънавиятли ҳамда адолатпарвар ватандошимиз сифатида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ идораларида қарийб 60 йилдан беш фаол меҳнат қилмоқда. Бу хизматлари жамиятимиз ва давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, Убайдулла ака “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони, “Фидокорона хизматлари учун” ордени, “Жасорат” медали билан тақдирланган ва устозга Олий малака тоифаси берилган.



Президентимиз Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини тақдорламайдиган тизимни шакллантиришимиз шарт, деган қатъий мақсадни белгилаб берди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим.

(Давоми 3-бетда)

Жараён ТЕРГОВ СУДЬЯСИ: ЯНГИ ИНСТИТУТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари замирида, аввало, инсон кадрини улғулаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини кафолатли таъминлаш каби эзу мақсадлар мужассам, Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 10 июнда қабул қилинган «Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу одил сиёсатнинг яна бир тасдиғи бўлди.

(Давоми 4-бетда) ►

Қонун кўмағи

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

судлар томонидан кафолатли таъминланмоқда

Авалло шунга айтиш керакки, Конституция-мизда ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият тушини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашининг белгиланган энг кам миқдорида кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга экани қатъий белгиланган.



Буларни таъкидлашдан мақсад шуки, ушбу конституциявий қоидаларнинг амалий ижросини таъминлаш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини кафолатли ҳимоя қилишда судлар муҳим ўрин тутадди. Хоразм вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича апелляция инстанциясида Хонқа туман Тиббиёт бир-лашмасида юзага келган меҳнат билан боғлиқ низо адолатли ечим толгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда) ►

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида инсон манфаатларини кафолатлаш, жиноят ишини юритиш чоғида шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш, донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини қаноатлантириш тизимини янада яхшилаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



ҲЕЧ КИМ ЎЗИГА ВА ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАРИГА ҚАРШИ ГУВОҲЛИК БЕРИШГА МАЖБУР ЭМАС

Мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги тахрирда қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари Мирзо Улуғбекнинг НОДИР КОСАСИ

Жаҳон илм-фани тараққийига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбекнинг номи ҳар биримиз учун азиз. Унинг Моғоруннаҳрдаги тенгсиз бунёдкорлик ишлари ҳақида кўплаб мақола, рисоалар ёзилган. У ҳақда қатор бадиий асарлар, фильмлар яратилган.



Ўз-ўзидан савол туғилди: бизгача буюк аждодимиз Мирзо Улуғбекка бевосита тегишли бўлган, ул зот шахсан фойдаланган бирор буюм

етиб келганми? Мирзо Улуғбекнинг қўллари билан битилган қўлэмалар мавжудми? (Давоми 4-бетда) ►

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 28-моддасида жиноят суд ишларини юритиш соҳасида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган янги конституциявий асослар белгиланган. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, қонуний манфаатларини ифодаловчи нормаларни бошқа қонун ҳужжатларида ҳам акс эттиришни тақозо этмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят-процессуал кодекси ҳамда "Судлар тўғрисида"ги қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбисиз, деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имконияти-

лари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги ўз аксини топмоқда.

Бундан ташқари ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор, деб топилгани ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кўзда тутилмоқда. Шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қайд этилдики, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги тахрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишига, фуқароларнинг суд орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқи кафолатларини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ҚАМОҚҚА ОЛИНГАНЛАР ДАСТЛАБ МАЖБУРИЙ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТҚАЗИЛАДИ

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини янада кучайтириш, жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларига мўлақоқ йўл қўймаслик мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу маънода, мажлисда жиноят ишини юритиш чоғида шахсни қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлгани табиийдир.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги қонунга тегишли қўшимчалар киритиш орқали

шахсни тергов ҳибсхонасига жойлаштиришдан олдин уни тергов ҳибсхонасининг ўзида мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби белгиланмоқда. Тиббий кўриқ давомиди шахснинг тана-сида жароҳат ва шикастланишлар аниқланган тақдирда, зудлик билан прокурорга хабар бериш тартиби ўрнатилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қамоққа олинган шахсларга нисбатан қийноққа солиш билан боғлиқ қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади. Муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.



ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР

"Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан сугориладиган ер участкаларини бошқа тоифага ўтказиш бўйича талаблар қонун даражасида янада кучайтирилади, тоифа ўзгаришлари билан ер участкаларидан келгусида фойдаланиш бўйича аниқ шартлар қўйилади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини фойдаланиш турига қараб, 2 гуруҳга, яъни қишлоқ хўжалиги ер участкалари ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ерларга бўлиш бўйича аниқ нормалар киритилмоқда.

Бундан ташқари сугориладиган ерларни қатъий муҳофаза қилиш,

бундай ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш масаласини фақатгина сугориладиган ерларнинг сув таъминоти ва тупроқ сифати билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар юз берган тақдирда, кўриб чиқиши юзасидан ҳуқуқий нормалар белгиланяпти.

Қонун лойиҳасида захира фонди таркибидидаги ер участкалари ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши муносабати билан туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари тасарруфига қайтган бўш турган ер участкалари ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб қўйиш ҳам назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бунинг учун ерлар камида 70 минг одам яшайдиган туман маркази ёки шаҳар ҳудудига 1-2 километр масофадаги жойдан ажратилади. Бу массивларнинг ҳар бирида 100 минг квадрат метрли 2 мингта хонадон қурилади.

Ишларни сифатли ташкиллаштириш учун замонавий менежерлардан иборат "Ўз уйим" компанияси тузилди. Ушбу компания "Янги Ўзбекистон" массивларига ер танлаш, лойиҳа қилиш, қуриш ва эксплуатация қилишга масъул бўлади.

Мутасаддиларга халқаро экспортларни жалб қилган ҳолда, келгуси беш йил учун уй-жой сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш топширилди.

Қурилиш сифати ва назорати масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Энди бу жараёнлар соддалаштирилиши қайд этилди.

Жумладан, бинокорлар "Шаффоф қурилиш" платформаси орқали тайёр лойиҳани

идоралар билан онлайн келишади. Иншоотнинг лойиҳага мослигини Қурилиш соҳасида назорат қилиш инспекцияси текширади ва битганидан кейин ҳулоса беради. Зарур ҳолларда, бошқа соҳадаги мутахассисларни жалб қилади. Қурилиш давомида зилзилага бардошлиликни синовдан ўтказган лабораториянинг ўзи охирида қўшимча ҳақ олмай ҳулоса беради. Бинони фойдаланишга топширишда ҳозирги 7 та идора ўрнига фақат 2 та – Қурилиш инспекцияси ва ёнғин хавфсизлигининг ҳулосаси етарли бўлади.

Маълумки, яқинда Тошкент шаҳрини Бош режаси тасдиқланди. Энди архитектура-режалаштириш топшириги ва қурилишга рухсат бериш жараёнини бирлаштириб, бунга кетадиган вақтни 2 қарра қисқартириш зарурлиги айтилди. Бу тизим келгуси йилдан бошқа вилоятларда ҳам йўлга қўйилади.

Ер олишдан бошлаб, бинони фойдаланишга топширишгача бўлган ҳар бир босқич кўриниб

турадиган рақамли тизим яратилади.

Соҳага салоҳиятли девелоперларни жалб қилиш мақсадида, бундан буён кўп қаватли уй қуриш учун ерлар аукционда фақат ҚҚС тўловчи юридик шахсларга сотилади.

Бугунги кунда 15 мингга яқин кўп қаватли уйларга туташ майдон мулкдорга бириктирилмагани сабабли бошқарув-сервис компанияси хизмат кўрсатадиган ҳудудлар чегараси маълум эмас. Бундай жойларни аниқ белгилаб, компанияларга бириктириш, дархастлар экиб, атроф-муҳитни асраш юзасидан кўрсатмалар берилди. Бу борадаги шартномавий муносабатлар ва яшил ҳудуд бўйича меъёрларни қонун билан мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатимизда 120 минг хонадонли кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Янги Тошкентда 15 минг хонадон барпо қилиш кўзда тутилган. Бу уйларда

"яшил" энергиядан фойдаланилади. Энергия барқарорлигини таъминлаш учун хусусий шериклик асосида 100 мегаватт соат сифимли электр сақлаш қуввати ўрнатилди.

Янги Тошкентдаги уйларни иситиш ва совутиш маркашлаган "уч генерация" тизими орқали бўлади. Бунинг ҳисобига ёз мавсумида электр сарфи 4 қарра қисқаради. Барча бино-иншоотларга юқори энергия самарадорлик талаблари жорий қилинади. Транспорт, ёритиш тизимлари ва зарядлаш станциялари фақат "яшил" технологиялар асосида бўлади.

Эски уйларни реновация асосида янгилаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бунда ердан фойдаланиш самарадорлиги 4-5 қарра ошадиган, коммуникация харажати 2 қарра камаяди. Асосий, бу орқали шу ҳудуддаги одамларнинг дунёқараши ўзгаради, турмуш тарзи тўдан яхшиланади, иш ўрни қўлайиб, иқтисодиёт ривожланади.

Жиззах, Марғилон, Қўқон, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари, Дўстлик ва пойтахт туманларида шундай ишлар бошланган. Бу босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилади.

Бу йил уй-жой дастурларини молиялаштиришга бюджетдан 15 триллион 500 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Банклар томонидан бунга қўшимча 10 триллион сўм, "Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" томонидан 2,3 триллион сўм йўналтирилади.

Бунинг ёрдамида 70 мингта хонадоннинг ипотека кредити орқали сотилишига шaroит яратилади. Шундан 30 минг хонадон, бошланғич бадалига бюджетдан субсидия тўланган ҳолда, даромади юқори бўлмаган оилаларга берилади.

Ийгилишда вилоят ҳокимлари "Янги Ўзбекистон" масивлари қурилиши, ипотека ва реновация лойиҳалари бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, инвестициялаш эркинлиги, очиклик ва ошқораликни таъминлаш, бизнесни бошқариш эркинлиги ҳамда маблағларни эркин тасаруф этишга доир кафолатлар белгиланмоқда.

Қонун билан инвестиция хажмига кўра кичик, ўрта, йирик, стратегик инвестиция лойиҳаларига имтиёзлар бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, инвестицияларни рағбатлантириш чоралари ва имтиёзлар доираси кенгайтирилмоқда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонада устав фондининг чет эл инвестицияларини ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги миқдор 15 фоиздан 10 фоизга туширилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллий ва хорижий инвесторларга «яго-

на дарча» тизими орқали ваколатли давлат органига инвестиция тақлифлари билан мурожаат қилиш имкониятларини яратишга, шунингдек, уларга нисбатан адолатли ва тенг ҳуқуқли тарзда муносабатда бўлишга, уларнинг кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини давлат томонидан муносиб қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур қонуннинг мақсади озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун нормалари аҳолининг озиқлик қимматига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан хавфсиз озиқ-овқат таъмин-

лашга, самарали бозор механизмларини шакллантириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқаришга нисбатан татбиқ этилади.

Қонунда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган.

Хусусан, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг минимал нормаларига мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсининг айланма захирасини шакллантириш ҳамда аҳолини ижтимоий аҳамиятта моллик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда ва узлуксиз таъминлаш имкониятларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, давлат озиқ-овқат маҳсулотларининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган

санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ ишлаб чиқарилишини рағбатлантиради.

Таъки иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятта моллик асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорти ва импорти ўртасидаги мақбул мувозанатни сақлаш ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ва зирлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органи сифатида белгиланмоқда.

Унга республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг озиқ-овқат

хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолиятни қўллаб-қувватлаш бўйича тақлифлар тайёрлаш, озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнини тақомиллаштириш ва ривожлантиришга доир қисқа, ўрта ҳамда узоқ мuddатли стратегияларни ишлаб чиқиш каби бир қатор ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, қонунда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигига йўл қўймаслик бўйича давлат томонидан қандай чоралар кўрилиши, озиқ-овқат балансини шаклланти-

риш, истеъмолчиларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур қонун мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи нормаларни ягона ҳужжатга унификация қилиш ва тизимлаштириш, ушбу соҳадаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Қонун кўмаги

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

судлар томонидан кафолатли таъминланмоқда

батта, суднинг ҳал қилув қарори ижроси билан муҳим. Бирлашма раҳбари буни билса-да, номигагина иш тутди. Суд қарорининг даъвогарни аввалги ишига қайта тиклашга оид қисмини ижро этиш юзасидан 2023 йил 16 августда 1679-12-175-ТВ/2023/1/654-сонли буйруқни имзолади. Н.Ниёздурдиева 2023 йилнинг 13 март ёки ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган санадан эътиборан бирлашманинг болалар бўлими лаборанти вазифасига қайта тайинланди. Бироқ бу, юқоридега айтилганидек, қозғоғдагина қайд этилди. Ходимнинг айтишича, уни ўзоқ йиллар мобайнида машғул бўлиб келган ишига тайинлашмаган.

Буни қарангки, орадан кўп ўтмай бундан-да галати воқеа юз беради. Иш берувчининг 2023 йил 15 декабрдаги 2446-12-175-ТВ/2023/1/1349-сонли буйруғига асосан, Н.Ниёздурдиева бир йилда иккинчи марта меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш орқали ўз хизмат вазифасидан озод қилинади. Ушбу буйруққа Н.Ниёздурдиеванинг ла-

возими штатлар бирлигида кўрсатилмагани ва янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни хоҳламагани асос қилиб олинади.

Бунинг оқибатида Н.Ниёздурдиева ҳуқуқларини тиклашни сўраб, яна судга мурожаат қилади. Бироқ биринчи босқич суди унинг талабини қаноатлантирмайди, ишга қайта тиклаш ҳақидаги даъво аризасини рад этади.

Шундан сўнг Н.Ниёздурдиева Хо-разм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига мурожаат қилади. Апелляция ҳайъати, ўз навбатида, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори билан келишмади. Аниқроғи, апелляция инстанцияси эътиборни дастлабки босқич суди тарафидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг амалдаги ижросига қаратди. Суднинг қарори иш берувчи томонидан ўта юзани бажарилгани, Н.Ниёздурдиевани болалар бўлими навбатчи лаборанти вазифасига амалда тикламай туриб, унга янги иш ўрни тақлиф қилингани қонунга зид ҳаракат сифатида

баҳоланди. Буни назарда тутса, Н.Ниёздурдиева ўз ишини янги меҳнат шартлари асосида давом эттиришни рад қилгани қонуний ва асосли ҳисобланади.

Бунинг устига, иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 137-моддаси қасий бандига асосан бекор қилинган ҳам қайд этилмаган. Бундай ҳолатда меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш ҳақидаги буйруқни асосли деб бўлмайти. Аслида, иш берувчи даставвал суд қарорини ижро этиши, ходимни ўз вазифасига қайтариши, кейин эса ўзга вазифани тақлиф қилиши лозим бўлгани, яъни қонун талабини, амалда бажармагани яна бир марта эслатиб ўтиш жоиз.

Баён этилгани каби, Нигора Ниёздурдиеванинг меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ низо адолатли яқун топди. Апелляция инстанцияси Н.Ниёздурдиеванинг Меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилиш ва эгаллаб келган вазифасидан озод этиш бўйича Хонқа Тиббийёт бирлашмаси раҳбарининг 2023 йил 15 декабрдаги 2446-12-175-ТВ/2023/1/1349-сонли буйруғини гайриқонуний деб топди ва бекор қилди. Даъвогарнинг талаби қаноатлантирилди. У аввалги лавозимига тикланди.

Буларнинг бари адолат, ҳақиқат ва қонунийлик йўли юртимизда доимо очиқ эканлигига яққол далил, албатта.

Зафарбек СУЛТОНОВ,

Хоразм вилояти суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Абдулла СОБИРОВ, "Куч – адолатда" муҳбири

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Убайдулла ака Олий суднинг ўзидан салкам 20 йил фаолият олиб борган, шу жумладан, қарийб 12 йил давомидан – 1991-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимда хизмат қилган. Шунингдек, 2009 йилдан буён Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, Истиқлолнинг дастлабки даврида, тарихан жуда қисқа муддатда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги Конституциявий комиссия иштирокида мустақил Ўзбекистон Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Устоз Убайдулла Мингбоев ҳам аъзоси бўлган ушбу Комиссия саръ-ҳаракатлари билан Асосий Қонунимизда суд ҳокимиятининг конституциявий асосларининг устувор принциплари аниқ ифодаб берилди.

Хусусан, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг

жамоатчилик асосидаги аъзосидир. Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, Президентимиз томонидан “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармоннинг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд-ҳуқуқ тизи-

● Эҳтиром

ОДИЛ СУДЛОВНИНГ МАҚСАДИ - АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК



мини янада ислоҳ қилишни янги босқичга кўтаргани хусусида мустақар тўхталиш лозим.

Ҳозирги куннинг конституциявий тамойилларидан келиб чиқиб, суд ҳокимияти мустақил-

тибор қилинган, ушбу тушунчалар бугунги кунда адолат ва юксак инсонпарварлик негизда тубдан ислоҳ этилаётган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фаолиятининг асосий мазмун-моҳияти билан томаънода уйғун ва ҳамоҳанг эзгу тамойиллардир!

Давлатимиз раҳбарининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги



лигининг конституциявий принципида риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг маъруз жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш тизимли йўлга қўйилди.


Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида бир боби – XXIII боб “Суд ҳокимияти” деб номланган. Бу бобдан 11 модда ўрин олган. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг:

- 130-моддаси – одил судлов;
• 131-моддаси – суд тизими;
• 132-133-моддалари – Конституциявий суд фаолияти;
• 134-моддаси – Олий суд фаолияти;
• 135-моддаси – Судьялар олий кенгаши фаолияти;
• 136-моддаси – судьялар мустақиллиги ва дахлсизлиги;
• 137-моддаси – судларнинг очкиллиги;
• 138-моддаси – суд ҳужжатларининг мажбурийлиги;
• 139-моддаси – суд ишлари юритиладиган тиллар;
• 140-моддаси – судлар фаолиятини молиялаштиришга оид нормалардан иборатдир.

Президентимиз ҳар гал суд тизимидagi ўзгаришларга тўхталганда, авваламбор, адолат мавзусида атрофчиқа сўз юритиши бежиз эмас. Чунки адолат тантана қилишида давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд тизимининг ўрни ва аҳамияти бекиёс.

Ушбу соҳа вакиллари инсон ҳаёти билан боғлиқ фаолият олиб боради. Содада қилиб айтганда, иши судда кўрилган шахснинг кейинги тақдирини кўп ҳолларда судья қабул қилган қарорга боғлиқ бўлади. Бирор кишининг ноҳақ айбаниши, масалан, қилмаган айби учун узоқ йилга озодликдан маҳрум этилишининг оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас.

Биз Мир Алишер Навоийни улуғ шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, илм-фан ва маданият, она тилимиз ва адабиётимиз ҳомийси, саховатпеша зот, авлиёлар авлиёси сифатида яхши биламиз ҳамда юксак қадрлаймиз. Айни чоғда, Алишер Навоий серкирра ҳаётининг яна бир муҳим хизмати борки, бу ҳам бўлса, ул зотнинг фикҳ, яъни ҳуқуқшунослик илми билимдон эканидир.



Фармони бу борадаги ислохотларнинг изчил ҳамда мантқиқий давом бўлди. Ушбу ҳужжат одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Модомики, Убайдулла аканин бу борадаги хиссаси ҳақида сўз борар экан, устоз ўз касбини улуғлаш масаласига нафақат амалий, айни чоғда ижодий жиҳатдан ҳам, муносиб улуғ қўшиб келаётганини таъкидлаш мақсада мувофиқдир. У киши соҳанин тарихи ва истиқболларига, бугунги кунда суд тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига оид қўллаб-қувватлаш муаллифи ҳисобланади.

Устознинг “Олий суд: кеча ва бугун” (Тошкент, “Ўзбекистон”, 1994), “Суд шундай ҳокимиятқи...” (Тошкент, “Шарқ”, 1999), “Суд – фуқаролар ҳимоячиси” (Тошкент, 2001), “Одил судлов маданияти ва одоби” (Тошкент, “Адолат”, 2004), “Адолат инсонпарварлигининг олий нуқтаси” (Тошкент, “ILM-ZIYO-ZAKOVAT”, 2021), “Судья ва суд ҳодимларига мурожаат” (Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2023) китоблари шулар жумласидандир.

Хусусан, устознинг “Судья ва суд ҳодимларига мурожаат” китобидан ўз ҳамкасбларига шундай чорлови ўрин олган: “Судьянинг касбий маҳорати шундаки, у ҳар бир мурожаатчи билан одоб-ахлоқ ва қонун-қоида тамойилларига қатъий риоя этган ҳолда муносабатга киришиши талаб этилади. Албатта, буларнинг барчаси сиз, азизларнинг маънавиятингиз ва олган тарбиянгизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ”.

У.Мингбоев катта ҳаёт мактабини кўрган устоз аллома сифатида “Етти пуштин билмоқ истаги” (Тошкент, “Қатортон-Қамолот”, 1999), “Касб-қорим адолат бўлди” (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003), “Адолат мезони” (Тошкент, “Нур-полиграф”, 2009), “Судьялик – улкан масъулият” (Тошкент, 2014), “Шукрона” (Тошкент, “Tilgoh zamin ziyo”, 2015), “Истақларим” (Тошкент, 2017), “Поклиниш пал-

ласи” (Тошкент, “Олтин қалам”, 2024) каби бир қатор оммабоп китоблар ҳам ёзган.

Убайдулла ака отахон судья сифатида, турли босқич судларига судья, суд раисининг ўринбосари ва суд раиси сифатидаги узоқ йиллик фаолияти натижаларига таянган ҳолда, суд маданиятининг моҳиятига назар ташлар экан, “одил судловнинг мақсади – адолат ва инсонпарварликдир”, деган эзгу хулосага келади. Бу фикр ҳар бир китобда суд жараёнининг маданияти, судда фуқароларни қабул қилиш маданияти, судьялик этикаси ҳамда суд

судья ўз устида мунтазам ишлаб, билим ҳамда тажрибасини ошириб бориши лозим.

Адолат халқимиз учун азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Амир Темура бобомиз “Куч — адолатда” деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришган. Улуғ аждодимиз узук-муҳридаги ушбу адолатпарвар шоир муҳташам Оксаройнинг ҳозирги кунгача сақланиб келаётган асосий пештоқида “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шiori!” деган янада чуқур мазмунда битиб қўйилганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда устоз Убайдулла Мингбоевнинг “Етти пуштин билмоқ истаги” номли китобида битилган мана бу ҳаётини сатрлар Соҳибқирон аждодимиз ўғитларига нечоғли ҳамоҳанг эканлигига эътиборни қаратгимиз келди: “Инсон эсон-омон юрса, сабр-қаноат билан яшаса, кўп нарсани кўрар экан. Мен бу гапларни ўз ҳаётим мисолида айтаяман. Гоҳида уйга толаман, мустақил Ўзбекистонимиз Олий судининг биринчи раиси бўлганимдан, биринчи Конституциямиз лойиҳасини тузишда иштирок этганимдан қониқиб ҳосил қиламан. Республикаимизда биринчи бор “Судлар тўғрисида”-ги қонуни тайёрлашда иштирок қилган раҳбарлик қилганимни ҳам, 30–35-йилларда қатогон қилинганларнинг, 83-86-йилларда “Ўзбеклар иши” деб ноҳақ қамоқда этганларнинг кўпчилиги адолатли суд қарорлари чиқарганимизни ҳам Тангри таолонинг менга кўрсатган инояти, берган неъматини деб биламан. Ҳарқалай, бу ишлар ҳам осонликча кечгани йўқ. Гоҳида ҳар бир иш учун, ундаги ҳар бир тақдир учун бевосита кураш

қилиш бўлади.

Биринчидан, судьялар ва суд ҳодимлари ўз хизмат фаолиятини адо этишда маънавий-ахлоқий қиёфаси, касбига доир вазифаларни бажариш билан боғлиқ ахлоқий мезъерларга эга бўлишлари шарт.

Иккинчидан, судьялар ўзларининг намунали интизомни, хушмуомалалигини ва муносиб хулқ-атворини намоён этиб, ҳаммаша адолатга таянган ҳолда, қонун устуворлигини таъминлаш талаб этилади.

Учинчидан, судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси номидан суд ҳужжати қабул қилишлари – уллар зиммасига бениҳоя шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилганини англашди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, судьяларнинг ўз бурчига содиқлигини, тегишли ваколатларини нечоғли ҳалол ҳамда сидиқидилдан адо этиши мустақил суд ҳокимиятининг обрўсини ва фуқароларда одил судлов ҳамда адолатга бўлган ишончли тубдан оширади.

Тўртинчидан, одил судловнинг бош мақсади – адолат ва инсонпарварликдир. Инсонпарварликнинг замирида юксак маданият мурасам. Маданият, устоз навабатида, халқимизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Негаки, халқимизнинг миллий табиатида хос бўлган жамкии эзгу инсоний фазилатлар ана шу маданиятимизда жамланган. Шу маънода, судьяларнинг маданиятчилиги суд ишларини ҳолисона, билимдонлик асосида, жамият ва халқ манфаати учун қуюнчалик билан адолатли ҳал этишида кўзга ташланади.

Бешинчидан, судьяларнинг жамоатчилик вакиллари олдига ўзини тутта билиши, мулоҳаза билан иш тутиши, хушфёъл, одоби, камтарин ва ширинсухан бўлиши – бу нафақат судьянинг, балки мустақил суд ҳокимиятининг ҳам обрўсини оширади. Бурч масъулиятини чуқур англаган

олиб боришга тўғри келди... Мен қаерда ва қайси мансабда ишламай, адолатли фикр юритишни ва ҳар ишда беғараз бўлишни касб қилдим, оиладагиларимдан ҳам, дўстларимдан ҳам, кўл остида ишлайдиган шоғирдларимдан ҳам шунини талаб қилдим”.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, судья шахсида ўз муҳассамини топан жамкии яхши фазилатлар – одил судловни таъминлашнинг муҳим шартини. Бинобарин, Убайдулла аканин маънавий-маърифий асарлари ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат-эҳтиром руҳида, адолатпарвар, ҳақиқатсевар, бир сўз билан айтганда, баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ишончимиз комилки, таъқиқли ҳуқуқшунос Убайдулла Мингбоевнинг қарийб олти йиллик самарали фаолияти бугунги ва келажак авлодлар учун суд тизими, судьялик касби, судьянинг вазифаси ва масъулияти ҳақидаги етарлича фойдали ҳамда ибратли маълумотлар ҳазинасидир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига фақат ва фақат халқимизнинг ўзи баҳо беради. Улар учун ягона ва энг қатъий талаб – бу фуқароларнинг қониқли маънаватларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборат».

Ақмал САИДОВ, академик



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, авваламбор, экспорт операциялари бўйича ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш жараёнларини соддалаштириш мақсадида, товарлар ва хизматлар экспортида қўшилган қиймат солигини қайтариш учун тадбиркорлар томонидан божхона чегара постидagi божхона органлари муҳри қўйилган ҳужжатларини солиқ органларига тақдим этиш талаби бекор қилинди. Шунингдек, 2025 йил 1 январдан мулк ҳуқуқи асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини ва давлат мулкни реализация қилиш бўйича айлангани ҚҚСдан озод қилиш белгиланди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан тармоқ ва соҳаларга оид йиғилишларда, ҳудудларга таширфлари давомида ёки бошқа ҳужжатлардаги топшириқларга асосан, бир қатор янги нормалар киритилди. Хусусан:

Биринчидан, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ишга қабул қилинган камбағал оила аъзолари учун тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида белгиланди;

Иккинчидан, 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар мактаб, коллеж, техникум ўқувчиларини (30 ёшгача) касбга ўргатиб, иш бераётган тадбиркорлар томонидан ўқувчиларга тўланган иш ҳақидан жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ҳамда ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида тўлашни кўзда тутилди;

Учинчидан, 2028 йил 1 январга қадар магистрал йўллар бўйида кўчма савдони ташкил қилган ёшлар (30 ёшгача) фаолиятининг дастлабки 6 ойи давомида солиқларни тўлашдан озод этилди;

Тўртинчидан, юртимизда китоблар нашр қилинишини қўллаб-қувватлаш мақсадида, барча нашриёт ва матбаа корхоналари 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар фойда солиғи тўлашдан озод этилди;

Бешинчидан, нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари 2030 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлардан (бундан ижтимоий солиқ мустасно) ҳамда уларнинг ҳорижий мутахассис ходимлари даромад солиғи ва ижтимоий солиқдан озод этилди;

Олтинчидан, қайта тикланувчи энергия манбаи курилмаларини ўрнатилиши рағбатлантириш мақсадида, юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулк, ер ва фойда солиғидан имтиёзлар берилди;

Еттинчидан, “Гиждивон тажрибаси” асосида тадбиркорларга кўп қаватли ишлаб чиқариш бинолари фойдаланиши рағбатлантирилганда бошлаб, 3 йил муддатга мол-мулк солиғи бўйича 0,9 дан 0,5 гача пасайирувчи коэффициент қўллаш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 14 октябрда “Рақамлаштириш соҳа-

сида экспорт фаолияти билан шугулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат мамлакатимизда драйвер соҳалардан бири ҳисобланган IT хизматлари соҳасини янада қўллаб-қувватлашга қаратилгани жуда муҳим.

Фармонга асосан, биринчи навбатда, IT парк резидентларига ҚҚСдан ташқари барча солиқларни тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар 2040 йил 1 январга қадар узайтирилди. Шунингдек, IT парк резидентларининг таъсисчиларига дивиденд солиғи ставкаларини пасайтириш ва IT парк резидентларининг таъсисчиларига дивиденд солиғи ставкаларини пасайтириш ва IT парк резидентларига ҚҚСдан ташқари барча солиқларни тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар 2040 йил 1 январга қадар узайтирилди. Шунингдек, IT парк резидентларининг таъсисчиларига дивиденд солиғи ставкаларини пасайтириш ва IT парк резидентларига ҚҚСдан ташқари барча солиқларни тўлашдан озод этиш тарзидаги имтиёзлар 2040 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Бундан ташқари ижтимоий солиқ тўловчи шахслар, ўзини ўзи банд қилган шахслар, деҳқон хўжалигининг аъзолари, “Уста-шоғирд” мактаблари ўқувчилари ва бошқалар учун ушбу солиқни тўлашнинг сўнгги муддати 1 декабрдан – 31 декабрга ўтказилди.

Янада муҳими, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги янги ташаббуслари туфайли 2025 йил 1 январдан бошлаб, уяли алоқа хизматларига акция солиғи бекор қилинди. Қолаверса, табиий газнинг истеъмол учун акция солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиб, маҳаллий ва импорт қилинадиган табиий газ учун бир хил тарзда белгиланди.

Эътиборли томони шундаки, табиий ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантириш ҳамда халқ ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш мақсадида:

- иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун сув солиғи ставкаси тенглаштирилди;
• юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,5 фоиз ҳамда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга ер солиғи ставкаси 0,95 фоиз миқдорида;
• қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун фойдаланиладиган сув ҳаҷми бўйича сув солиғи ставкаси эса, 1 метр куб учун 100 сўм миқдорида сақлаб қолинди.

Бюджет даромадларининг қўшимча захираларини аниқлаш ва ундиришдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маънаватдорлигини ошириш мақсадида, 2025 йил 1 январдан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашиларига туманлар ва шаҳарлар касимиди, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ставкаларини белгилаш ваколатларини берилди.

Ўз навбатида, халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашилари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига ҳамда норузда курилиш материаллари учун қатъий белгиланган ставкаларга тегишли коэффициентлар қўллаш каби ваколатларга эга бўлди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Албатта, Мирзо Улуғбек сизу биздек мана шу азиз ва мукаррам маконда вояга етган. Ватанининг ҳар қарич тупроғини жон қадар севаган, кўзига тўтиё қилган. Бугун ул зот томонидан қурилган бир-бирдан муҳташам мадрасалар Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон шаҳарларида савлат тўкиб турибди. Айниқса, қадимий Самарқанд шаҳрига кирверишда Мирзо Улуғбек ёдгорлик мажмуаси қаршисидаги расадхона ҳам буюк бобокалонимиздан бизга етиб келган кутлуг обида саналади.

Бугун дунёнинг турли кутубхоналари, музейлари, таълим масканларида Мирзо Улуғбекнинг нигоҳи тушган, эҳтимол, унинг қўли билан битилган нодир кўлэмалар, буюк темирйозда ҳукмдорга тегишли шахсий буюмлар сақланаётган бўлиши мумкин.

Масалан, дунёга машҳур Британия музейида сайёрамизнинг турли ҳудудларидан олиб келинган 8 миллиондан ортиқ тарихий экспонатлар сақланади. Бир неча минг йиллик осори-атиқаларни ўз ичига қамраб олган бу қадимий музейни йилга дунёнинг турли ҳудудларидан келган 6-7 миллион нафардан ортиқ сайёҳ томоша қилади.

Ана шу экспонатлардан бири буюк аждодимиз Мирзо Улуғбекка тегишли №1959,1120.1 тартиб рақами остида сақланаётган, яшил нефрит (яшил ёки сутранг ярим шаффоф минерал) тошидан ясалган қосади.

Музей сайтида берилган маълумотларга кўра, мазкур қоса, тахминан, 1420-1449 йиллар оралиғида Самарқандда юксак маҳорат билан ишланган. Қоса овалсимон кўринишга



Тарих тилсимлари

Мирзо Улуғбекнинг НОДИР ҚОСАСИ

эга бўлиб, унга, тахминан, 250 мл. суюқлик жойлашади. Қадимда одамлар орасида нефритдан ясалган идишга заҳарли суюқлик солинса, у парчаланиб кетиши ҳақидаги ривоят-афсоналар тилдан-тилга кўчиб юрган.

Британия музейи ислом коллекциялари муҳофизининг ёрдамчиси Ладан Акбарнинг айтишича, 1959 йилда Британия музейига Мирзо Улуғбекка тегишли зангори нефрит қоса етиб келган. Қосанинг олд қисмида туркий тилда, араб ёзувида "Қарами Ҳаққа ниҳоят йўқдир" деган жумла битилган.

Яшил тусдаги бу қосанинг дастаси, бир қарашда, Хитой мифологиясида кўп учрайдиган афсавий аждар кўриниши эса солади. Қоса дастасининг қарама-қарши тарафига қумуш билан сайқал берилган. Бизнингча, қоса учун асос бўлган мустаҳкам нефрит тоши Шарқий Туркистоннинг Хўтан шаҳри яқинида жойлашган Куньлун тоғидаги қадимий қондан келтирилган бўлиши мумкин.

Мирзо Улуғбек бошқа маъданларга қараганда нефрит тошини кўпроқ ёқтирган. Буни шундан ҳам фаҳмлаш мумкинки, Мирзо Улуғбек томонидан Соҳибқирон Амир Темури қабри устига

ўрнатилган ёдгорлик тоши ҳам нефритдан ясалган. Мазкур қоса эса, ўрта асрларда Самарқандда сантгарошлик санъатининг нечоғли юксак даражада тараққий этганини кўрсатади.

Қоса кейинчалик Туркияга — усмонийлар салтанатига бориб қолган. Қосани қачон ва ким қандай қилиб Истанбулга етказиб келгани ҳам анча баҳсли масала бўлиб қолмоқда. Айрим тахминларга кўра, бу қимматбаҳо идиш Улуғбекнинг шоғирди Али Қўшчи томонидан олиб келинган, ундаги битик эса, кейинчалик, яъни Усмонийлар давлатида дарж этилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки бу туркий битик, услубан, эски ўзбек тилидан кўра усмоний туркчасига яқинроқ.

Биламизки, шоғирди Али Қўшчи Мирзо Улуғбек учун азиз фарзанд мақомида бўлган. Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан сўнг у Истанбулга келиб, буюк устозининг илмий ишларини давом эттирган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. Унинг қабри ҳам шу шаҳарда. Эҳтимол, Али Қўшчи устозидан ёдгорлик сифатида шох ва буюк олим доим сув ичишда фойдаланган қосани табаррук қилиб ўзи билан бирга олиб кетган, унинг вафотидан кейин

эса, бу қимматбаҳо ашё амалдаги салтанат вакилларининг эътиборини тортгандир.

Умуман олганда, ушбу қосанинг баландлиги 7,3 см, узунлиги 19,5 см, эни 12,4 см.га тенг. Мазкур топилма ҳақида илк марта матбуотда инглиз олим ва мутахассислари Ральф Пиндер-Уилсон ва Уильям Уотсонлар маълумот беришган.

Мазкур нодир дурдона айна пайтга қадар дунёнинг бир қатор йирик кўргазмаларида томошабинлар эътиборига ҳавола этилган. Жумладан 2016-2017 йилларда мазкур қоса Хитой, Канада, Австралия, АҚШ сингари мамлакатларнинг йирик шаҳарларида ўтказилган турли кўргазмаларда тақдим этилган.

Хуллас, бу қоса кам топиладиган нодир ашёдан ясалгани учунгина эмас, балки жаҳон илм-фанига бекиёс ҳисса қўшган буюк фалакиётшунос олим ҳаётлик соғида фойдаланган ноёб ёдгорлик сифатида дунё афкор оммасининг эътиборини тобора ўзига кенг жалб қилмоқда.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



Жараён

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ: ЯНГИ ИНСТИТУТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур Фармон судлар фаолиятида очкилик, шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади. Унга мувофиқ, Судьялар олий кенгашига Олий суд билан биргаликда 2025 йил 1 январига қадар тергов судьяси лавозими жорий этиладиган судларни юқори малакали ва масъулиятли кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шу маънода, 2025 йил 1 январидан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларида тергов судьялари ўз фаолиятини бошлади. Улар жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув даврида процессуал қарорларга санкция бериш масалаларини кўриб чиқади.

- Бу ўринда, хусусан:
 - қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш;
 - қамоққа сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш;
 - паспортнинг ёки ҳаракатлини ҳужжатининг амал қилишини тўхтатиб туриш;
 - мурдани эксгумация қилиш;
 - почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш;
 - ушларни турли муддатини 48 соатга қадар узайтириш;
 - прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг, яъни фуқаровий даъвогарнинг кўрсатмаларини олдиндан мустаҳкамлаш

тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш ҳақида сўз бормоқда.

Шунингдек, тергов судьяларига маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш ваколати ҳам юклатилмоқда. Бу орқали жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди судьялари ўртасида иш ҳажми мутаносиблиги таъминланади. Мухими, буларнинг барчаси жиноят ишларини кўриш жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва холисона текшириб чиқиш, судланувчиларнинг барча вазиятини текшириш ва тарафлар томонидан келтирилган илтимосномаларни батафсил кўриб чиқишга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади.

Энг асосийси, Фармонда тергов судьяси ўз фаолиятини мустақил амалга ошириб, фақат қонунга бўйсунгани ҳамда тергов судьясига оид судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ тизимидаги ушбу муҳим ўзгаришлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят ишлари бўйича судларнинг иш юкласини камайтириш ва судьяларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиши учун кенг имкониятлар яратади.

Абдулло АЛЛАЕВ,
Навоий вилоятининг суди раиси

Олтиариқлик Латиф Ибодуллоев (исм-шарифлар ўзгартирилган) тумандаги корхоналарнинг бирида шартнома асосида ишларди. Ишдан бўш пайтларида, айниқса, оқшом чоғлари вақтини маҳалладоши Фазлиддин Аминжонов ташкил этган биллиардхонада ўтказарди.

Ақсарият ҳолларда у тун ярмида, баъзан тонга яқин уйига қайтар, сўнг кун ёйилиб кетгунга қадар уйқудан бош кўтармасди. Бундан, табиийки, отаси Мирзаакбар Ҳамзаалиев норози бўларди.

2024 йил 18 апрель кунги ҳам айнан шундай ҳолат яна такрорланди. Тунги соат 03:00 ларда уйига қайтган Латиф ухлаб қолиб, эрталаб ишга боролмади.

— Яна ўша жойга борсанг, яхшилик кутма, — деди ота ўғли уйғонгач.

У ўғлига таъбеҳ бериш билан чекланмай биллиардхона эгаси Фазлиддин Аминжоновга ҳам кўнғироқ қилиб, қаттиқ-қурум гап айтди:

— Ўғлим сенинг биллиардхонада пулини совуряпти. Бу ҳам етмагандай, ҳам чекиб, ҳам ичиб келяпти. Энди қайтиб борса, уни киритма, йўқса, хафа бўласан, — дея ўдағайлади.

Шундан сўнг кўп ўтмай биллиардхонада туман ИИБ ходимлари томонидан назорат тадбири ўтказилади. Ф.Аминжонов эса, буни М.Ҳамзаалиевдан кўради. У таниш-билишларида "ўша хабар берган" деб нолайди. Бу гап оғиздан-оғизга ўтиб, Л.Ибодуллоевга ҳам етиб келади. Натижада унинг қаттиқ жаҳли чиқиб, отаси билан ҳам тортишиб қолади. Сўнгра у ўзини босиб, ўша кунни уйдан ташқарга чиқмайди.

Орадан икки кун ўтгач, М.Ҳамзаалиев ўғлига яна шу воқеа ҳақида гап очади.

— Фазлиддин сени қаттиқ ҳақорат қилиб, иккалаимизни сотқинга чиқариб қўйибди, — дейди дабдурустдан.

Отасидан бу сўзларни эшитган Латиф бирдан жаҳл отига минадди ва ўзини босмай кўз очиб юмгунча фурсат ўтмай биллиардхонада пайдо бўлади. — Нега отамни ва мени ҳақорат қилдингиз?, — дейди у таҳдидли овозда Ф.Аминжоновга.

Ўша пайтда биллиардхонада Ф.Аминжоновнинг қўшини Д.Парпиев ҳам бор эди. Л.

Жиноятга жазо муқаррар!



ЖИНОЯТГА БОШЛАГАН БЕБОШЛИК

Ибодуллоевнинг отаси тенги одамга бундай таҳдиди қўлол муомала қилиши унга ёқмайди. Бинобарин, Д.Парпиев Латифни ёнига қақиради.

— Фазлиддин акам тўғри айтган. Сен, ҳақиқатан ҳам, сотқинсан, — дейди у.

У бу билан чекланмай Латифни яна бошқа сўзлар билан ҳам ҳақорат қилади. Оқибатда Л.Ибодуллоев гап талашиб Д.Парпиев билан ёқалашиб кетади. Ақсарият нарроқда турган Р.Парпиев уларни ажратишга тушади. Аммо Д.Парпиев муросага кўнмай Латифни баттар дўппослай бошлади. Бундан қаттиқ ғазабланган Л.Ибодуллоев ваҳоҳат билан биллиардхонада турган ошхона пичоғини олиб, Давлатлати Парпиевнинг танасига беаёв изма-из санчади...

...Шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатлари ҳам бесамар кетади. Яъни Д.Парпиев олган оғир жароҳатлари боис туман тиббиёт бирлашмасининг жонлантириш бўлимида ҳаётдан кўз юмади.

Албатта, бу мудҳиш жиноятга қўл урган Л.Ибодуллоев жазосиз қолмади. Жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судининг ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди, кодекснинг 57-моддаси тартибида 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ўрни келганда, бошқаларга сабоқ бўлиши учун Л.Ибодуллоевнинг шахсига доир айрим мулоҳазаларни билдириб ўтсак, фойдадан холи бўлмайди. Эндигина 21 ёшга кирган бу йигит муқаддам — 17 ёшида, яъни ҳали


вояга етмай туриб, ўғирликка қўл урган. Бинобарин, унга нисбатан жиноят иши кўзгатирилган. Лекин жиноят ишлари бўйича Олтиариқ тумани судининг 2021 йил 21 сентябрдаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан кўзгатирилган жиноят иши кодекснинг 66-моддасига асосан — ярашганлиги муносабати билан тугатилиб, у жавобгарликдан озод қилинган. Аммо нафақат унинг ўзи, балки оила аъзолари ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб олишмаган. Чунки Л.Ибодуллоев ундан кейин ҳам саёқ юришни қанда қилмаган.

Бу ҳақда гапирганда, Л.Ибодуллоевнинг отаси томонидан йўл қўйилган жиддий хато-камчиликларни ҳам сира оқлаб бўлмастлигини қайд этиш жоиз. Чунки ота бўлмишининг мулоҳазаси, ўйламай иш тутиши кишини таажубга солади.

Ҳолбуки, у ота сифатида ўғли тарбиясига аввалдан эътибор билан қараганда эди, бу мудҳиш жиноят содир бўлмасди.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳаётда содир бўладиган турли хил жиноий қилмишлар замирида, албатта, таълим-тарбия билан боғлиқ муаммолар ётганини кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, фарзандларимизга муносиват таълим-тарбия беришимиз — нафақат бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз гарови, балки ёруғ келажакимиз кафолати эканини аналтади.

Беҳзод ЭРГАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Олтиариқ тумани суди раиси



ОҲАНГЛАРДА СЕҲР МУЖАССАМ

Ўз вақтида куйга илоҳий куч-қудрат рами деб ҳам қарашган. Шу боис мисрликлар чолғудан таралаётган куйни муқаддас ҳисоблаганлар. Юнонлар ва римликлар ёқимли оҳанглар шарафига эҳромлар бунёд этган бўлишса, ҳиндлар унинг бетимсол рух сифатида яшашига ишонган. Албатта, инсон муқассис ашай олмайди. Зотан, музика инсонга бешикдан, оналарнинг мунис алласидан бошланади. Одатда, ҳар биримиз кўнглимизга ҳаловат бағишлайдиган музикаларни тинглашни истаймиз, аммо нега айнан шу музика ёқимини дафъатан тушунтириб бера олмаймиз. Дунёда шундай музикалар борки, элат, миллат деган тушунчалардан қатъи назар, ҳар қандай кишини сеҳрлаб қўйиш қудратига эга. Юнон файласуфи Аполтон музика ҳақида таъкидлайди: "Музика инсонларни тарбиялашда ҳар қандай ўзга воситалардан афзалдир. Чунки оҳанг ва уйғунлик инсон руҳи томон йўл олади".

Бундан ташқари музиканинг инсон соғлиғига, ҳатто узоқ умр кўришига ижобий таъсири тўғрисида буюк алломалар Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобийлар кўплаб қимматли фикрларни билдиришган. Айниқса, буюк аждодимиз Форобий шундай ёзади: «Музика шу маънода фойдалики, у ўз мувоzanатини йўқотган одам хулқини тартибга келтиради. Бу илм соғлиқ учун ҳам фойдаликидир. Чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўнади. Шунинг учун гўзал оҳанглар таъсири билан руҳни соғайтиришнинг фойдаси бор».

Буюк табиб Абу Али ибн Сино беморларни куй таъсирида даволагани тарих касаллиги аҳоли ўртасида кенг тарқалган пайтда уларни ҳаётбахш куйлар таъсирида даволаб, ўлимдан сақлаб қолган экан. Инсоният қадимдан боғлиқ туйғуларни кўзғатишда музиканинг беимисл хусусиятларидан самарали фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанрлар олдидан чалинган жангвар музика қўшин руҳини кўтарган, жасоратга шайлаган. Ҳозирги кунда ҳам Африканинг қадимий анъаналар сақланиб қолган баъзи қабилаларида музика ёрдамида овчилар шундай мотнат касб этадиларки, ёввойи шерлар билан ўқо-

тар қуролларсиз, оддий тиф ва таёқлар ёрдамида тиккама-тикка олишиб, уларни енгадилар.

Ҳайратланарлиси, музика оҳангларини барча жониворлар ҳам берилиб тинглар экан. Тадқиқотчилар оромбахш куй уларни бўшатириб, тинчлантиришига гувоҳ бўлишган. Олимлар яна шунга аниқлашганки, ўсимликлар ҳам музикани хуш кўрар экан. Мисол учун ёқимли куй таъсири остида гуллар одатдагидан тезроқ ва яйраб очилгани ҳақида илмий маълумотлар тўпланган. Бу сирли тилсимот хусусида яна кўп фикр юришти мумкин. Негаки, турли хил оҳанглардаги музика, куй нафақат инсонни, балки барча ҳайвонот ва наботот оламини роҳатлантирувчи таъсир кучига эга.

Аниқланишича, XVIII аср музикасида хотиржамлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган лирик оҳанглар устувор бўлган. XIX асрга келиб эса, кўтаринки романтик ҳаётдаги, мавҳум ва сирли, шунингдек, гуссали кайфият уйғотувчи оҳанглар кучайган. XX аср музикасида ҳам кўтаринки, ҳам даволовчи хусусиятлар кенгроқ намоён бўлди: инсониятнинг тантанавор кайфияти билан бирга ғам-алам ва армонларини акс эттирувчи оҳанглар жаранглай бошлади. Масалан, Бетховеннинг 5-симфонияси юрак фаолиятига яхши таъсир қилиши, «Ой соната»си эса, безовта асабларни тинчлантириши аниқланган. Шунингдек, Бахнинг "Италия концерти" куйини тинчлаган одамнинг қаҳру ғазаби дарров босилади, Шопэннинг "Мазурка" куйларини гўзал оҳанглар таъсири билан руҳни соғайтиришнинг фойдаси бор».

Буюк табиб Абу Али ибн Сино беморларни куй таъсирида даволагани тарих касаллиги аҳоли ўртасида кенг тарқалган пайтда уларни ҳаётбахш куйлар таъсирида даволаб, ўлимдан сақлаб қолган экан. Инсоният қадимдан боғлиқ туйғуларни кўзғатишда музиканинг беимисл хусусиятларидан самарали фойдаланиб келган. Масалан, ҳал қилувчи жанрлар олдидан чалинган жангвар музика қўшин руҳини кўтарган, жасоратга шайлаган. Ҳозирги кунда ҳам Африканинг қадимий анъаналар сақланиб қолган баъзи қабилаларида музика ёрдамида овчилар шундай мотнат касб этадиларки, ёввойи шерлар билан ўқо-

Бир сўз билан айтганда, музика — табиатнинг бетакрор инъоми. Чунки ундаги имкониятлар бошқа ҳеч нарсада учрамайди.

Интернет материаллари асосида Шахло Худойберганова тайёрлади.